

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Х У К М

2025 йил август ойининг 27 куни жиноят ишлари бўйича Эллиққалъа туман суди, Эллиққалъа туманидаги “Навоий” МФЙ маъмурий биносида, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи шу суд раиси Ш.Розимов, Н.Юлдашеванинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Эллиққалъа туман прокурорининг ёрдамчиси А.Қўчқаров, судланувчи ХХХ ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилган “Right Way” адвокатлик бюроси адвокати Х.Бабажанов, жабрланувчининг қонуний вакили ХХХ, фуқаровий даъвогарнинг қонуний вакили ХХХнинг иштирокида, ХХХга оид 1-2316-2501/84-сонли жиноят ишини кўриб чиқди, иш ҳужжатларига кўра,

ХХХ (ХХХ)- ХХХ йил ХХХ май куни Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, уч нафар фарзандлари бор, маълумоти ўрта-маҳсус, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Қорақалпоғистон Республикаси, Эллиққалъа тумани, “ХХХ” МФЙ, рақамсиз уйда яшайди, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини қонуний муддатида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили ва фуқаровий даъвогарнинг қонуний вакилининг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара сўзлари ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, иш бўйича тўпланган ҳужжатлар билан солиштириб, далилларни текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

ХХХ 2025 йил 22 май куни соат 11:00 да бошқарувидаги ХХХга тегишли “Spark” русумли, ХХХ давлат рақам белгили транспорт воситасида Эллиққалъа тумани “Амиробод” ОФЙ ҳудудидан ўтувчи А-380 “Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу” авто йўли ҳаракатланиш давомида амалдаги Йўл-ҳаракати қоидаларининг 11-банди “г” кичик банди, 77 ва 103-бандлари талабларини, яъни транспорт воситасининг ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига, айниқса, пиёдалар, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши кераклиги, ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши, тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши кераклиги, светофорнинг



рухсат этувчи ишораси ёнганда ҳайдовчи чорраха орқали ҳаракатланишни тугаллаётган транспорт воситалари ва қатнов қисмидан тегишли йўналишда ўтишни тугаллаётган пиёда(лар)га йўл бериши шартлиги ҳақидаги талабларини бузиб, эҳтиёткорлик чораларини кўрмасдан, пиёдаларга алоҳида эътибор бермасдан автомашина бошқариб, мазкур йўлни ўнг томондан чап томонга қараб пиёда кесиб ўтаётган ХХХни автомашинасининг олд томони билан уриб кетиб йўл-транспорт ҳодисаси содир қилган.

Мазкур ЙТХ оқибаотида ХХХ тан-жароҳати олиб Тўрткўл тумани Тиббиёт бирлашмаси жонлантириш бўлимига ётқизилган ҳамда 03.06.2025 йил иш бўйича жабрланувчи ХХХ олган тан-жароҳатлари оқибаотида жонлантириш бўлимида хушига келмасдан вафот этган.

Тайинланган суд-тиббиёт экспертизасининг 20.06.2025 йилдаги 51-сонли хулосасига кўра мархума ХХХнинг ўлими “бош мия ёпиқ жароҳати, бош миянинг оғир даражадаги лат ейиши” оқибаотида келиб чиққанлиги аниқланган.

Суд мажлисида ХХХ, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қуйидагиларни, яъни 2025 йил 22 май куни соат 10:30-11:00 ларда Тўрткўл туманидан ўз яшаш уйига яъни Эллиққалъа тумани “ХХХ” МФЙга қараб бошқарувидаги “Spark” русумли, ХХХ давлат рақам белгилли автомашинасини Эллиққалъа тумани “Амиробод” ОФЙ ҳудудидан ўтувчи А-380 авто йўлидаги светофордан яшил чироғида ҳаракатини давом эттириб кетаётган вақтида тахминан 50-60 метр узоқликда йўлнинг ўнг томонида исми шарифи унга кейинчалик маълум бўлган ХХХ йўлни кесиб ўтиш учун ҳаракатланиб келаётганини кўрганлигини ва ўша ХХХни огоҳлантириш мақсадида бир неча маротаба сигнал чалганлигини, у сигнал овозини эшитиб йўл бериб юборса керак деб ўйлаб, автомашинасини бошқаришда давом этганлигини, тўсатдан ушбу ХХХ йўлга чиқиб юборганлигини, уни уриб юбормаслик мақсадида автомашинаси рулини чап томонга қараб бурганлигини, лекин оралиқ масофа жуда қисқа бўлганлиги сабабли, уни уриб юборганлигини, бу ҳолатдан кўрқиб кетиб, автомашинасидан тушиб ХХХга ёрдам берганини ва у уни тез ёрдам автомашинасида Тўрткўл тумани Тиббиёт бирлашмасига олиб борганлигини, кейинчалик воқеа жойига ИИБ ходимлари келиб ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришганлигини, кейинчалик ХХХ олган тан-жароҳатлари натижасида вафот этганлигини, кейинчалик унинг оила аъзоларига маросимларига моддий томондан ёрдам берганлигини, ҳозирда уларнинг ҳеч қандай даъво эътирози йўқлигини, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини, жабрланувчининг қонуний вакили ва унинг қариндошларидан кечирим сўрашини, уларнинг унга нисбатан даъво эътирози йўқлигини, уни оилавий ва моддий аҳволини эътиборга олиб енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи ХХХнинг айбига тўлиқ иқрорлик билдирган кўрсатмаларидан ташқари, унинг айби қуйидаги далиллар мажмуи, яъни; жабрланувчининг қонуний вакил ХХХнинг мархум ХХХ фарзанди эканлигини, унинг бир нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, муқаддам турмуш қуриб ажрашганини, у Эллиққалъа тумани “Амиробод” ОФЙда жойлашган овқатланиш шохобчасида ишлаб юрганлигини, 2025 йил 22 май куни қизи ишга кетганлигини, кейинчалик ўша куни қизи “Амиробод” ОФЙ ҳудудидан ўтган йўлдан ўтаётган



вақтида исми шарифи унга кейинчалик маълум бўлган ХХХ бошқарувидаги “Spark” русумли автомашинасида уриб юборганини кейинчалик уни Тўрткўл тумани тиббиёт бирлашмасига олиб кетишганлигини эшитганлигини, 2025 йил 3 июнь куни қизи йўл-транспорт ҳодисаси натижасида олган тан-жароҳатлари оқибатида вафот этганлигини, судланувчи томонидан барча харажатлари қоплаб берилганлиги сабабли унга нисбатан даъво эътирози йўқлигини, суддан ХХХга енгил жазо тайинлашни сўраб берган кўрсатмаси;

Фуқаровий даъвогарнинг қонуний вакили ХХХнинг ҳақиқатдан ҳам онаси ХХХнинг номидаги “Spark” русумли ХХХ давлат рақам белгили транспорт воситасини укаси ХХХ бошқаришини, 2025 йил 22 май куни соат 11:00 да укаси ушбу автомашинада Эллиққалъа тумани “Амиробод” ОФЙ ҳудудида одам уриб юбориб йўл транспорт ҳодисаси содир қилганлигини, ҳозирда онаси ХХХ иш бўйича фуқаровий даъвогар деб эътироф этилганлигини, лекин у ишлаш мақсадида Россия Федерациясида бўлганлиги сабабли у қонуний вакил сифатида иштирок этаётганлигини укаси ХХХ томонидан автомашинага етказилган зарар бўйича бирор-бир моддий даъвоси йўқлигини, суддан ХХХга енгил жазо тайинлашни баён қилиб берган кўрсатувлари;

Шунингдек, иш бўйича текширилган қўйидаги яъни, 22.05.2025 йилдаги ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, чизмаси ва фото расмлари (ж/и 13-25 в), нарсани кўздан кечириш баённомаси ва фото жадвал судга оид тиббий экспертизасининг 20.06.2025 йилда 51-сонли марҳум ХХХга нисбатан берилган хулосаси (ж/и 66-70 в), судга оид автотехника ва трассология экспертизасининг 24.06.2025 йилдаги 611-сонли хулосаси (ж/и 31-44 в) ҳамда ишдаги тўпланган бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Суд, судланувчи ХХХнинг айбини тасдиқловчи ушбу келтирилган далиллар дастлабки тергов органи томонидан жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига мос равишда олинганлиги ва суд мажлисида ўз тасдиғини топганлиги сабабли уларни мақбул ва яроқли далиллар деб топади.

Суд, судланувчи ХХХнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми, яъни транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш ва ушбу ҳаракатлар одам ўлимига сабаб бўлишда ифодаланган аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-хатбошида мустаҳкамлаб қўйилган “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги ҳақида” кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 26.06.2015 йилдаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сонли қарорининг 25-бандида судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир



иш бўйича алоҳида ёндошув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ходиса содир бўлгандан кейин шахснинг хатти-ҳаракатига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шарт деб белгиланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги қарорининг 3-бандида жиноят кодекси 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Суд, мазкур Пленум қарорининг 45-бандига амал қилган ҳолда, судланувчи ХХХнинг эътиборсизлиги натижасида бир инсон ҳаётдан маҳрум бўлганлигини инобатга олиб, келгусида шу каби жиноятни такрорламаслиги учун унга нисбатан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо тайинлашни лозим топади.

Суд, Олий суд Пленуми қарорларининг раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, судланувчи ХХХга жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, муқаддам судланмаганлигини, айбига иқрорлигини, марҳум жабрланувчининг қонуний вакили ва фуқаровий даъвогарга етказилган зарарлар қоплаб берилгани ва уларнинг судланувчига нисбатан давоси йўқлигини, қарамоғида уч нафар фарзандлари борлигини жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлари деб, жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлари йўқ деб топиб, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни ва унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин деган хулосага келиб ЖКнинг 72-моддасини қўллаб синов муддатини белгилашни лозим топади.

Суд, иш бўйича моддий зарарлар масаласини муҳокама қилиб, иш юзасидан моддий зарарларнинг бартараф қилинганлигини инобатга олиш билан бир қаторда жабрланувчининг қонуний вакили ҳамда фуқаровий даъвогарнинг қонуний вакилига келгусида аниқланган маънавий ва моддий зарарни ундириш масаласи юзасидан фуқаролик иш юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси ҳамда жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

ХХХ (ХХХ) Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан айбли деб топилсин, ва унга;



ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан, 3 (уч) йил транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан 5 (беш) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазога ЖКнинг 72-моддасини қўлланилиб, жазо шартли деб ҳисоблансин.

ХХХга нисбатан 2 (икки) йил синов муддати белгиланиб, унинг хулқини назорат қилиш Эллиққалъа туман ИИБга юклатилсин.

ХХХ яшаш манзили ўзгарган тақдирда бу ҳақида Эллиққалъа туман ИИБга маълум қилиш, ойига бир марта ушбу органдан рўйхатдан ўтиш, куннинг соат 22:00 дан эрталабки соат 06:00 гача яшаш жойида бўлиш каби мажбуриятлар юклатилсин.

Тайинланган асосий ва қўшимча жазолар ЖКнинг 61-моддаси тартибида алоҳида ижро этилсин.

ХХХга қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва гаров сифатида қўйилган 20.000.000 сўм пул маблағлари ҳукм қонуний кучига киргач ўзига қайтарилсин.

Иш бўйича жабрланувчининг қонуний вакили ва фуқаровий даъвогарнинг қонуний вакилига етказилган моддий ва маънавий зарарларнинг қопланганлиги инобатга олинсин ва уларга ўзига етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарлари бўлган тақдирда, бу бўйича фуқаролик судига даъво ариза билан муурожаат қилиш ҳуқуқлари тушунтирилсин.

Ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили ва фуқаровий даъвогарнинг қонуний вакили томонидан эса уларга ҳукм кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддатда, шу суд орқали Қорақалпоғистон Республикаси судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида ёхуд бу муддат ўтганидан кейин қонуний кучига кирган ҳукм устидан кассация тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Ш.Розимов

Ҳукм нусхаси аслига тўғри:

